

МЕБЕЛ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЎРНАТИБ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ № 88

«27» октябрь 2022 йил

Бухоро ш.

“JAUNUN” МИЧХК Устави асосида иш юритувчи директор **Базарова М.Х.** кейинги ўринларда “Ижрочи” деб номланувчи бир томондан, **Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси Бухоро вилояти чавандозлар мактаби** низом асосида иш юритувчи директори **Садуллоев Ф.Ф.** кейинги ўринларда “Буюртмачи” номланувчи иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Ижрочи” ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан “Буюртмачи”га мулк сифатида топширишни, “Буюртмачи” эса товар(маҳсулот)ни қабул қилишни ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

	Мебел маҳсулотларни ўрнатиб етказиб бериш тури	Улч.б	миқдори	нархи	Суммаси
1	ОФИСНЫЙ НАБОР. СТОЛ С ТУМБОЙ (1400X700X750), ПРИСТАВКА (900X600X720), ШКАФ КАБИНЕТНЫЙ (2000X1200X450)	КОМП	1	4 580 000	4 580 000
2	ОФИСНЫЙ НАБОР. СТОЛ (1600X800X750), ПРИСТАВКА (1200X700X720), ПОТЕЛЕФОННИК (900X450X600), ТУМБОЧКА (430X430X600), ШКАФ КАБИНЕТНЫЙ (2000X1350X450)	КОМП	1	6 780 000	6 780 000
3	ТУМБА ПОД ТВ (1000X800X400)	ШТ	1	1 050 000	1 050 000
4	ТУМБА (900X800X450)	ШТ	1	950 000	950 000
5	ВЕШИЛКА (3750X400)	ШТ	1	570 000	570 000
6	КРОВАТЬ 2-Х ЯРУСНАЯ (1950X900X1800)	КОМП	2	2 960 000	5 920 000
7	СТОЛ КОМПЬЮТЕРНЫЙ (1500X700X750)	ШТ	2	1 580 000	3 160 000
8	ШКАФ ОДЕЖНЫЙ (2000X500X450)	ШТ	1	1 780 000	1 780 000
9	ШКАФ КНИЖНЫЙ (2000X800X450)	ШТ	1	2 250 000	2 250 000
10	ТУМБОЧКА (430X430X600)	ШТ	2	620 000	1 240 000
11	КРЕСЛО ДЛЯ РУКОВОДИТЕЛЯ	ШТ	1	3 420 000	3 420 000
12	СТУЛ ОФИСНЫЙ	ШТ	4	400 000	1 600 000
13	СТУЛ ПУМЯГКИЙ	ШТ	6	270 000	1 620 000
14	КУШЕТКА (2000X600X550)	ШТ	1	1 130 000	1 130 000
15	ШТАТИВ	ШТ	1	350 000	350 000
16	ШИРМА(1800X1600)	ШТ	1	1 130 000	1 130 000
17	КРЕСЛО МЯГКОЕ	ШТ	1	4 180 000	4 180 000
18	КУХОННЫЙ ГАРНИТУР (2300X1500X850X800X300)	КОМП	1	6 330 000	6 330 000
19	СТОЛ ОФИСНЫЙ (2500X800X750)	ШТ	1	1 430 000	1 430 000
	Жами				49 470 000

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар(маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб “5” кун.

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 21.10.2022 йил лот раками № 163226 булган баённомага асосан **49 470 000** (қирқ туккиз миллион турт юз етмиш минг) сўм деб

белгиланди. Бажариладиган ишлар (товар(маҳсулот)ни етказиб бериш) учун олдиндан тўлов миқдори 30 % ни ташкил қилади.

2.2. Қолган 70 % фоизлик тўлов шартномани амал қилиш муддати тугаганга қадар тўлиқ амалга оширишилиши шарт.

2.3. Кўрсатилган "Мебел маҳсулотларни етказиб ва ўрнатиб бериш" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Ижрочи"нинг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда "Буюртмачи"га ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. "Ижрочи" товар (маҳсулот)ларни яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. "Ижрочи" Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида "Ижрочи"ни хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун "Ижрочи" ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

6.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

6.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб 2022-йил "27" октябрдан 2022-йил "31" декабргача амал қилади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Бухоро вилоят

